

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДЖОНОВ АБДУЛАЗИЗ УСУБЖОН ЎҒЛИ

**БЕЛБОҒЛИ КУРАШ СПОРТ ТУРИГА БОЛАЛАРНИ САРАЛАШ
ТИЗИМИ ВА МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хамиджонов Абдулазиз Усубжон ўғли

Белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш тизими ва мазмунини
такомиллаштириш 3

Хамиджонов Абдулазиз Усубжанович

Совершенствование содержания и системы отбора детей для занятий
“Бельбогли кураш” 33

Xamidjonov Abdulaziz Usubjon ugli

Improving the children's qualifying system and content in the belt wrestling 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List published works 65

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДЖОНОВ АБДУЛАЗИЗ УСУБЖОН ЎҒЛИ

**БЕЛБОҒЛИ КУРАШ СПОРТ ТУРИГА БОЛАЛАРНИ САРАЛАШ
ТИЗИМИ ВА МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1137. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.uzdjtsu.uz), “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Керимов Фикрат Азизович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Тажибаев Сойиб Самижонович
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Бакиев Зафар Абдушукурович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped/28.01. рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил “30” “Ноябрь” соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail:uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Б” биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (211431 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2021 йил “16” “Ноябрь” кuni тарқатилди.
(2021 йил “16” “Ноябрь” даги 39 рақамли реестр баённомаси)



М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Р.М.Маткаримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, п.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида ҳар бир халқ ва элатнинг миллий кадриятлари, уларни ифодаловчи урф-одатлар, анъаналарини сақлаб қолиш ва оммалаштириш учун миллий спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, ўзбек халқининг белбоғли кураш спорт тури жаҳоннинг барча қитъаларида қизиқиш уйғотиб, дунё ҳамжамиятида белбоғли кураш машғулотларига болаларни саралаш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини замон талабларига мослаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда барча спорт турлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири болаларни спорт турларига саралаш ва йўналтириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда белбоғли курашга яқин ёки ўхшаш бошқа спорт турларининг инсон жисмоний камолотиغا ҳиссаси, спорт этикасини тўлиқ ифодалаш каби хусусиятларини тадқиқ этиш, самарадорлигини исботлаш ҳамда янада ривожлантириш, белбоғли курашчиларни тайёрлаш тизимини илмий асослаш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, курашнинг барча турларига болаларни саралашда функционал ва жисмоний тайёргарлиги, техник-тактик ҳаракатлар ва жисмоний сифатларини ривожланганлигига асосланган саралаш тизими яратилган. Аммо белбоғли курашни ўрганиш, ўргатиш ҳамда жаҳон микёсида оммалаштириш, спорт тури бўйича ёш мусобақачиларни саралаб олиш, жисмоний имкониятларини баҳолаш методлари шу ўринда спорт ютуқларини башорат қилишга қаратилган муаммолар етарлича ўрганилмаган.

Республикамизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги асосий масалалардан бири аҳолини доимий равишда спорт билан шуғулланишини таъминлашга қаратилмоқда. Давлат сиёсатининг асосий йўналишларинидан бири “Миллий спорт турларини ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш, уларни Осиё ва Олимпиада ўйинлари дастурларига киритиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш”¹ масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Белбоғли кураш спорт тури бўйича кенг қамровли, илмий-услубий ишлар тўлалигича ўрганилмаганлиги, бундан ташқари белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаб олиш жараёнида ёши ҳамда жинсига, вазн-оғирлигига кўра умумий жисмоний ва махсус жисмоний тайёргарлик ҳолатини баҳоловчи, белбоғли курашга болаларни саралаш тизими юзасидан механизмларнинг йўқлиги белбоғли кураш спорт турига оид қобилиятларни аниқловчи мажмуали ва комплексли тестларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш талабини кўймоқда. Шунингдек, мураббийлар белбоғли курашчининг индивидуал имкониятларини саралаш босқичида асосий восита сифатида умумий ҳамда махсус жисмоний тайёргарлиги қандай даражада

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5924-сонли Фармони. www.lex.uz

эканлигини аниқлаш, болаларнинг кучли ривожланган жисмоний сифатларини спорт турига мос техник-тактик машқлар комплексини ишлаб чиқиш шу ўринда илмий ва амалий тажрибага асосланган тадқиқот ишларини амалга ошириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сон “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 мартдаги 122-сон “Спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига спортчиларни саралаб олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар бу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлар доирасига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтидорли спортчиларни саралаш, қолаверса, белбоғли курашчиларни рақобатбардош фаолиятига тайёрлаш, ўқув машғулотларининг кўп йиллик босқичларига саралашни янгича илмий-назарий ёндашиш асосида долзарб муаммолар қаторига киради. Ушбу муаммони ҳал этишда бир қатор маҳаллий олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган. Жумладан, Ж.М. Нуршин, Р.С. Саламов, Ф.А. Керимов, Т.С. Усмонхўжаев, А.Ш. Абдуллаев, Ш.Х. Ханкелдиев ва бошқалар илмий изланишлар олиб бориб ўзларини дарслик, ўқув қўлланма, мақола ва тезисларида саралаш тизимини асословчи янги таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишган². Белбоғли курашнинг тор ҳамда маҳаллий масалаларига қаратилган муаммолар юзасидан Ф.А. Керимов, Н.М. Юсупов, Ш.А. Абдуллаев, Р.Д. Халмухамедов, В.Н. Шин, Г.Б. Абдурасулова, С.С. Тажибаев, Ж.М. Нуршин, Ш.А. Мирзакулов, А.Р.Таймуратов, Н.А.Тастанов, З.С.Артиковлар олиб борган тадқиқот натижалари алоҳида эътиборга сазовор³.

² Нуршин Ж.М., Саламов Р.С., Керимов Ф.А. Ўзбекча миллий спорт кураши // Дарслик. Т.: 1993. – Б.14-17.; Усмонходжаев Т.С. Миллий ҳаракатли ўйинлар. Тошкент. «Ўқитувчи» 2000. – Б. 53-54.; Абдуллаев. А. Ш., Ханкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти. – Т.: ЎзДЖТСУ. – 2019. –232 б.

³ Керимов Ф.А., Юсупов Н.М. Подвижные игры для кураша. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 72 с.; Абдуллаев Ш.А, Ёш курашчиларни тайёрлашнинг илмий-услубий асослари / Ўқув-услубий қўлланма. Т., 2012. – Б. 32-35; Халмухамедов Р.Д., Шин В.Н., Абдурасулова Г.Б., Тажибаев С.С. Ёш яккакурашчиларни кўп йиллик тайёргарлик жараёнининг турли босқичларида саралашнинг меъёрлари/ Ўқув-услубий қўлланма – ЎзДЖТИ., 2013. – 166 б.; Нуршин Ж.М., Мирзакулов Ш.А. Ёш белбоғли курашчиларнинг жисмоний

Яккакураш спорт турларига спортчиларни саралашда умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган диссертация тадқиқот натижаларидан З.Б. Болтаев, З.С.Артиков, С.С. Тажибаев, М.М. Қирғизбоев, Х.Ю. Матназаров, ҳозирги кунда ушбу соҳада фойдаланиб келинмоқда⁴.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва хорижда мавзу юзасидан олиб борилган бир қатор тадқиқотлар Н.П. Дудин, В.А. Запорожанов Р.Н. Дорохов, В.П. Губа, В.Г. Петрухин, Н.Ж. Булгакова, В.П. Губа, С.Г. Фомин, С.В. Чернов Fukuda, D. Kelly, J. Albuquerque, M. Stout, J. Hoffman J. Samuel, David Grácio Pedro, Paulo Martins, В.Н. Платонов ва бошқа кўпгина олимлар тадқиқот ишларини олиб борганлар⁵.

Олиб борилган тизимли тадқиқотларга қарамасдан ўқув ва услубий манбаларда мазкур диссертация мавзуси сифатида танланган, белбоғли кураш спорт турини шиддат билан ривожланиши, ушбу соҳада янги замонавий ёндашувлар асосида белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш тизими ва мазмунини такомиллаштиришга оид кўшимча илмий, илмий-услубий ишланмаларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг И. 1-14/3 – сонли “Ўқувчи ёшлар учун олимпия таълимининг самарали тизимини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади белбоғли кураш спорт турига болаларни

тайёргарлиги// Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва услубиятининг замонавий муаммолари/ Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. II қисм. – Тошкент. 2015. – Б. 83-84; Таймуратов А.Р. Курашчиларга хос куч турлари ва уларни ривожлантирувчи машқлар таснифи // журнал. “Фан-спортга”, – Т., 2016. – №2. – Б. 29-32.; Tastanov N.A. Kurash turlari nazariyasi va uslubiyati. / Darslik. – Т.: Sano-Standart. 2017. – 480 б.; Artikov Z.S. Sport-pedagogik mahoratini oshirish (Belbog'li kurash). / O'quv qo'llanma. – Т.: O'zkitobsavdo, 2018. – 148 б.

⁴ Болтаев З.Б. Эркин курашчиларни бошланғич тайёргарлик гуруҳларида компетентликни сақлаш учун ўқув машғулоти жараёнини оптималлаштириш // Пед.фан.номзодлик: диссертация., Тошкент., ЎзДЖТИ. 2012. – 131 б.; Artikov Z.S. Белбоғли курашда статик ва динамик кучланиш давомида мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш методикаси// п.ф.б.ф.д., (PhD) Автореферат., Чирчиқ. ЎзДЖТСУ. 2019. – 28 б.; Тажибаев С.С. Ўсмир яккакурашчиларнинг комплекс тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини илмий педагогик асослаш: Автореферат., 2020. – 53 б.; Қирғизбоев М.М. Белбоғли курашда бўғимларо эгилувчанликнинг устуворлиги ва уни ихтисослаштирилган тартибда ривожлантириш методикаси// п.ф.б.ф.д., (PhD) Автореферат., Чирчиқ., 2021. – 28 б.; Матназаров Х.Ю. Ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичида саралаш услубиятини такомиллаштириш// п.ф.б.ф.д., (PhD) Автореферат., Чирчиқ., 2021. – 26 б.

⁵ Дудин Н.П., Запорожанов В.А. Значение некоторых морфофункциональных и психомоторных характеристик для отбора юных спортсменов/ Теория и практика физической культуры. – 1993 – №11 – 12. – С. 27– 29; Дорохов Р.Н., Губа В.П., Петрухин В.Г. Методика раннего отбора и ориентации в спорте: учебное пособие. Смоленск., 1994. – 86 с.; Булгакова, Н.Ж. Спортивная ориентация и отбор как научная проблема/ Теория и практика физической культуры. – 1995. – №4. – С. 21-24.; Губа В.П., Фомин С.Г., Чернов С.В. Особенности отбора в баскетболе. – М.: Физкультура и спорт, 2006. – 160 с. Fukuda D., Kelly J., Albuquerque M., Stout J., and Hoffman, J. Relative age effects despite weight categories in elite junior male wrestlers. Sport Sciences for Health, 2017. – P. 99-106.; Samuel David Grácio Pedro, Paulo Martins Engagement and Injuries in Wrestling Athletes. International Journal of Wrestling Science, 2018. – P. 1 – 8 Published online. Платонов В.Н. Двигательные качества и физическая подготовка спортсменов. Спорт. – М. 2019. – 655 с.

саралаш самарадорлигига таъсир этувчи кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда саралаш босқичлари, услублари ҳамда тайёргарлик жараёни мувофиқлигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш учун функционал, жисмоний тайёргарлиги бўйича яккакураш элементларига хос ҳаракатли ўйинларни мусобақа техник элементларига мослаштириш орқали саралашнинг янги дастурини ишлаб чиқиш;

ёш белбоғли курашчиларни иккинчи босқичга саралашда вазн тоифасига қараб жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг мезонлари ва меъёрларий кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобига, мажмуавий интеграл баҳолаш шкаласини ишлаб чиқиш;

ёш белбоғли курашчиларни узоқ муддатли ўқув машғулотларининг турли босқичларига саралашда вазн-бўй кўрсаткичларини башорат қилиш дастурини ишлаб чиқиш;

миллий терма жамоа белбоғли курашчиларини техник-тактик ҳаракатларини мониторинг қилиш асосида ёш белбоғли курашчиларни саралашнинг янги моделини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига белбоғли кураш спорт тури бўлинмаларига болаларни саралаш ҳамда улар билан олиб бориладиган ўқув машғулот жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш босқичлари, воситалари, услублари, дастлабки тайёргарлик жараёни кўрсаткичларини баҳолаш ва мониторинг қилувчи назорат тестларидан фойдаланиш методларини мувофиқлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатувлар, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, инструментал метод, ҳамда тадқиқот натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш тизимида функционал, жисмоний тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб яккакураш элементларига хос ҳаракатли ўйинларни мусобақа техник элементларига мослаштириш ҳисобига белбоғли курашга саралашнинг янги (чемпион) дастури ишлаб чиқилган;

ёш белбоғли курашчиларнинг вазн тоифаларига қараб умумий, махсус жисмоний тайёргарлигининг мезонлари ва меъёрий кўрсаткичларидан келиб чиқиб техник ҳаракатларни баҳолаш учун беш даражали ютуқ ва камчиликларни ташхислаш ҳисобига саралашнинг иккинчи босқичи учун мажмуавий интеграл баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган;

ёш белбоғли курашчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларига саралашда вазн-бўй кўрсаткичларидан келиб чиқиб ўсиш динамикасини назорат қилишнинг модел тавсифларини ишлаб чиқиш ҳисобига намунавий спорт истиқболларини аниқлаш алгоритми такомиллаштирилган;

миллий терма жамоа таркибига кирувчи белбоғли курашчилар техник ҳаракатларини бажариш учун умумий ва муваффақиятли уринишлар сони, тўпланган баллар йиғиндиси, умумий ўртача баҳо, ҳужум ишончилиги, ҳужум даража кўрсаткичларини мажмуавий назорат қилиш механизмларини ишлаб чиқиш эвазига ёш белбоғли курашчиларни саралаш имкониятлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш самарадорлигига таъсир этувчи саралашнинг дастлабки (биринчи) босқичида яккакураш элементларига эга ўйинларда мусобақалашиб методикаси, қолаверса антропометрик кўрсаткичлар, функционал ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

саралашнинг иккинчи босқичида белбоғли курашчи болаларни вазн-оғирлигини инобатга олган ҳолда, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари, белбоғли кураш техника элементларини кўрсатиш (демонстрация), мусобақа фаолиятини баҳолаш орқали саралаш тизими механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган восита, методлар белбоғли курашчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларида қўлланилган;

белбоғли курашчи болаларни вазн-оғирлигига қараб махсус назорат машқларидан фойдаланиш методикасини қўллаш орқали саралаш самарадорлиги оширилган;

ёш белбоғли курашчиларни бўй узунлигини ёшга боғлиқ башорат қилиш ҳисобига юқори малакали курашчилар модел хусусиятлари аниқланиб тажрибада исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари ишончилиги жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз ва хорижий олимларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида ишлаб чиқилганлиги билан асосланиб, компьютер техникаси ёрдамида олинган маълумотлар ва натижалар қайта ишлаб чиқилганлиги ҳамда мазкур ишда берилган хулосалар ва илмий тавсияларнинг ишончилиги ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган педагогик тажрибалар асосида олинган тадқиқот натижалари белбоғли кураш спорт турига болаларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларига ёш белбоғли курашчиларни тайёрлаш ва саралаш босқичлари, воситалари ва услубларини

мажмуавий интеграл такомиллаштириш дастури ишлаб чиқиш эвазига, белбоғли курашга болаларни саралашда функционал тайёргарлик, жисмоний ривожланиш, жисмоний ва махсус тайёргарлик натижалари, мусобақа фаолияти натижалари билан ўзаро боғлиқликда бўлган саралаш тизими механизмларини ёшга нисбатан дифференциаллашган мезонлар билан мувофиқлаштириш ҳисобига саралаш самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган болалар ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган болалар ўсмирлар спорт мактаб интернатларининг белбоғли кураш бўлинмаларига болаларни саралашда, вазн-бўй кўрсаткичларини ёшга боғлиқ башорат қилишда, спорт ютуқларини кафолатловчи кўрсаткичлар, ёш белбоғли курашчиларни вазн оғирлигини инобатга олган ҳолда функционал тайёргарлиги, умумий жисмоний, махсус жисмоний тайёргарлиги ҳамда мусобақа фаолиятини мажмуали интеграл баҳолаш шкаласидан, спорт мактабларига жорий қилинадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тузиш ҳамда ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш тизими ва мазмунини такомиллаштиришда маълумотларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг ягона тизими асосида:

белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш тизимида яккакураш элементларига хос ҳаракатли ўйинларни мусобақа техник элементларига мослаштириш бўйича таклифлар “Спорт педагогик маҳоратини ошириш” (белбоғли кураш) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 375 сон буйруғига асосан 375-007 рақамли гувоҳнома). Натижада белбоғли курашчиларнинг куч-қобилиятларининг тавсифий курсаткичлари 16,5% ошганлиги аниқланган;

ёш белбоғли курашчиларнинг вазн тоифалари бўйича техник ҳаракатларни баҳолаш учун беш даражали ютуқ ва камчиликларни ташхислаш шкаласи “Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби” амалиётга жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги 2021 йил 7 июндаги 04-07-08/2303 сон маълумотномаси). Натижада белбоғли курашчиларнинг вазн-бўй кўрсаткичларини мослаштириш ҳисобига техник ҳаракатларни баҳолаш имконияти 12,7% га яхшиланган;

11-12 ёшли белбоғли курашчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларига саралашда намунавий спорт истиқболларини аниқлаш бўйича таклифлар “Спорт педагогик маҳоратини ошириш” (белбоғли кураш) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 375 сон буйруғига асосан 375-007 рақамли гувоҳнома). Натижада ушбу дастурдан фойдаланиш орқали курашчиларнинг ҳужум ҳаракатлари самарадорлигини 12,4% фоизга оширишга имкон яратган;

миллий терма жамоа таркибига кирувчи белбоғли курашчилар техник ҳаракатларини мажмуавий назорат қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар “Спорт педагогик маҳоратини ошириш” (белбоғли кураш) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 375 сон буйруғига асосан 375-007 рақамли гувоҳнома). Натижада белбоғли курашчиларни техник тактик тайёргарлик кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда мониторинг қилиш асосида саралаш самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 2 республика илмий-амалий анжуманларида ўтказилган тренерлар семинар-тренингида, Наманган давлат университети Жисмоний маданият ва спорт фаолияти кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида апробациядан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола, шу жумладан, хорижий илмий журналда 1 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулосалар ва амалий тавсиялар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, матни 133 саҳифа ташкил этади, 19 та жадвал ва 18 та расмда қайд этилган диаграммалардан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Спорт турларига болаларни саралаш тизими ва мазмунини назарий таҳлил қилишнинг илмий асослари”** деб номланган биринчи бобида жисмоний тарбия ва спортда болаларни спорт турларига саралаш муаммолари, спорт курашига саралашнинг умумий босқичлари, спорт курашига саралашининг ташкилий-услугий жиҳатлари, белбоғли кураш спорт турига саралаш муаммолари ёритиб берилган. Болаларни белбоғли курашга саралашда қобилиятларини аниқлашга, қолаверса, янада

юқори даражадаги жисмоний ва махсус тайёргарликка эришишига қаратилган бўлиши керак. Бунда асосий вазифа белбоғли курашчиларни умумий ва махсус тайёргарлик кўрсаткичларини бир-бирига мослиги қай даражада эканлиги, энг асосийси, ушбу спорт турига қобилятини мавжудлигини аниқлашдир. Бунинг учун болаларни белбоғли курашга саралаш учун танланган тестлар комплекси ахборот ва ишончлилик учун текширилган бўлиши зарур. Саралаш жараёнида ҳар бир мураббий-тренер саралаш жараёнида болаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ривожланиши, махсус жисмоний тайёргарлигининг дастлабки кўрсаткичларини билиш ва юқори натижаларга эришиш учун пойдевор бўлувчи индивидуал дастурлардан фойдаланиши, қолаверса, келгуси ўқув йили учун юқори гуруҳларга ўтиши учун нормативларни олдиндан билиши ва фойдаланиши керак.

Белбоғли курашнинг техник тайёргарлиги бўйича Ж.Ш. Мирзакулов (2015), З.С. Артиқов (2018), Ш.С. Мирзанов (2019), М.М.Қирғизбоев (2021) каби мутахассислар ўзларининг илмий-услубий ишларида спорт ютуқларига эришишда белбоғли курашчиларни техник-тактик тайёргарлиги асосий ўринда эканлигини таъкидлашган. Ушбу илмий-услубий ишларда белбоғли курашга болаларни саралаш тизими, воситалари, механизмлари бўйича маълумотлар етарлича берилмаганлиги белбоғли курашга болаларни саралашдаги муаммолар ечимини топишда муҳим камчиликлардан ҳисобланади. Саралаш ва йўналтириш бўйича Ш.А. Абдуллаев (2012), Р.Д. Халмухамедов, В.Н. Шин, Г.Б. Абдурасулова, С.С. Тажибаевлар (2013), бундан ташқари Н.А. Тастанов (2017), Ф.А.Керимов (2018) каби олимлар эса кураш турларига саралаш босқичлари, юқори малакали курашчиларни модель тавсифномаларини ишлаб чиқиш, жисмоний сифатларни ривожланиши, морфофункционал кўрсаткичлар, етакчи омил эканлигини таъкидлашган. Баъзи мутахассислар Ф.А. Керимов, М.Н. Умаров (2005), В.П. Губа (2008), В.Б. Иссурин (2017), Р. Martins, А. Rosado (2017). D. Fukuda, J. Kelly, M. Albuquerque, J. Stout, J. Hoffman, (2017) болаларни умумий спорт турларига саралаш таъсир кўрсатувчи муҳим омилларни комплекс ривожлантириш жараёнига асосий тадбир сифатида қараш лозимлигини таъкидлашган.

Қиёсий таҳлил натижалари бугунги кунда белбоғли кураш спорт турига болаларни саралашда қўлланилаётган услублар белбоғли курашчиларни жисмоний ривожланиши, жисмоний сифатларини ривожланиши, техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичларини баҳолаш орқали саралаш вазифаларини аниқлаш имконини бермайди, ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишлари етарли эмаслиги, тадқиқот предмети сифатида тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг методлари ва ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, математик

статистика услуги, тадқиқотнинг ташкил қилинишидауларни қўллаш услубияти ва шартлари батафсил ёритилган. Диссертация ишини бажариш ва ташкил қилиш учун фойдаланилган илмий тадқиқотлар методлари ёритилган. Белбоғли курашга болаларни саралаш тизими ва мазмунини илмий-амалий вариантлари яратилган. Шунингдек, бобда белбоғли курашга болаларни саралашда умумий жисмоний, махсус жисмоний, техник-тактик тайёргарликларини баҳолаш учун тестлар келтирилган.

Диссертациянинг тадқиқотлари тўрт босқичда ўтказилди.

Биринчи – аналитик ва методик босқич (2017-2018 йиллар) маҳаллий ҳамда ҳорижий адабиётлари илмий мавзунинг долзарблигини ўрганиш ва илмий асослаш. Илмий аппарат ва тадқиқот тадқиқот лойиҳасини ишлаб чиқиш, илмий фаразларни яратиш масалаларига бағишланган.

Иккинчи – режалаштириш ва амалга ошириш босқичи (2018-2019 йиллар) Наманган вилоятида фаолият олиб боровчи 66 нафар белбоғли кураш мураббийлардан анкета сўровнома ўтказилди, қолаверса, Наманган вилоятидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари бошланғич тайёрлов гуруҳларида шуғулланувчи ёш белбоғли курашчиларнинг функционал, жисмоний ривожланиши, умумий жисмоний ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари ҳамда спорт натижалари, мусобақа фаолияти натижалари асосида саралашнинг мезонлари ва меъёрлари тартиблаштириш ҳисобига саралашнинг босқичли интеграл баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилди.

Учинчи – назорат ва текшириш босқичи (2019-2020 йиллар) танлаб олинган ёш белбоғли курашчиларни саралашда мажмуавий назорат тестлар комплекси асосида енгил, ўрта, оғир вазндаги белбоғли курашчиларга махсус оғирлигига қараб назорат тестлари такомиллаштирилиб амалиётга жорий қилинди. Тадқиқотга жалб қилинган белбоғли курашчиларнинг тажриба бошидаги ва сўнгидаги кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилиш орқали саралашнинг комплекс баҳолаш дастури самарадорлиги тажрибада асосланди.

Тўртинчи босқич - тадқиқот давомида қайд этилган натижалар математик-статистика усуллари орқали ҳисоблаб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш воситалари ва методлари”** деб номланган учинчи бобда белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш муаммолари, белбоғли кураш спорт турига болаларни саралашнинг восита ва методлари, 9-14 ёшли болаларни функционал тайёргарлик (Юрак қон томир, Нафас олиш тизими) кўрсаткичлари, 9-14 ёшли болаларни умумий жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари, белбоғли кураш спорт турига болаларни саралашда махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш ва баҳолаш методикаси, болаларни белбоғли курашга саралашда бўй ўсиши ва оғирлигини башорат қилиш ҳамда тестлаш методикаси, белбоғли курашга болаларни саралаб олишда компьютер технологияларидан фойдаланиш каби масалаларга бағишланган бўлиб, белбоғли курашга болаларни саралашда илмий услубий адабиётлар

тахлили асосида ҳамда тажрибали белбоғли кураш бўйича мутахассислар ва экспертлар гуруҳи ҳамда мамлакатимизнинг турли хил ҳудудларида фаолият олиб боровчи мураббийлар билан биргаликда белбоғли кураш спорт турига болаларни саралашга таъсир этувчи меъёрлар ва мезонларни тартиблаштириш асосида саралашнинг биринчи ва иккинчи босқичлари учун махсус саралашнинг интеграл баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг). Жумладан, белбоғли курашга болаларни саралашда функционал тайёргарлиги бунда нафас олиш тизими кўрсаткичлари, Генчи синови, Штанге тести, юрак-қон томир тизими кўрсаткичлари, ортостатик синов (тикланиш коэффициенти), Руфье тести. Умумий жисмоний тайёргарлиги, гимнастика ўриндиғида ўтириб олдинга эгилиш, турникда тортилиш, жойдан туриб узунликка сакраш, яккакураш элементларига эга ўйинлар, рўмолчани торт, четлашган ютқазади, оёққа эҳтиёт бўлинг, доирадан чиқариш. белбоғли кураш техник элементларини кўрсатиш, белбоғни қويدаси бўйича ушлаш ҳолатини кўрсатиш, белбоғни қويدаси бўйича тик туриш ҳолатини кўрсатиш, белбоғни қويدаси бўйича паст тик турган ҳолатда кўрсатиш, белбоғни ушлаш тақлиди билан ўнг оёқларни кўтаришни кўрсатиш, белбоғни ушлаш тақлиди билан чап оёқларни кўтаришни кўрсатиш, белбоғни ушлаш тақлиди билан ҳимояланишни кўрсатиш ушбу юқоридаги тестларни саралаш босқичларига тартиблаштириш орқали, саралаш босқичлари, биринчи ва иккинчи босқичи ишлаб чиқилди. Ушбу кўрсаткич бўйича 9-14 ёшли болаларнинг жисмоний ривожланиш, функционал тайёргарлик, умумий ва махсус тайёргарлик кўрсаткичларини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқиш орқали саралашда болалар кўрсаткичларини аниқловчи ҳамда саралашнинг интеграл баҳолаш шкаласи яратилди.

Спортга саралашнинг илмий асосланган самарали тизимини ташкил қилишни яратиш талаби бир қатор мажмуавий омиллар билан белгиланади, жумладан, бунда ижтимоий, иқтисодий, педагогик ва тиббий омиллар ҳисобга олинади. Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда биз томонимиздан белбоғли курашга болаларни саралашнинг биринчини ва иккинчи босқичи учун нозоарт тестлари тартиблаштирилди. Бунда белбоғли курашга болаларни саралашнинг биринчи босқичини ташкил этишда, назорат тестларидан олинган натижаларни баҳолаш шкаласи яратилиб, компьютер дастури ёрдамида баҳоланди ва 5 та даражага ажратилди. Белбоғли курашга болаларни саралашда жисмоний ривожланиши, функционал тайёргарлиги, жисмоний ва махсус тайёргарлик кўрсаткичларини баҳоловчи ҳамда мониторингини амалга оширувчи компьютер дастури ишлаб чиқилиб, шу орқали саралаш босқичлари такомиллаштирилди. Ушбу дастурдан саралашнинг биринчи босқичида фойдаланилди.

Учинчи бобда биз томонимиздан яратилган белбоғли курашга болаларни саралашда жисмоний ривожланиши, жисмоний ва махсус тайёргарлиги назорат синов тест натижалари бўйича маълумотлар компьютерга киритилгандан сўнг ҳисоб-китоблар бажарилиб, бешта даража (юқори, юқоридан паст, ўрта, ўртадан паст, паст) ажратиб олинди. Улар монитор экранда беш хил рангда: юқори – сариқ рангда, юқоридан паст – қизил рангда, ўрта – яшил рангда, ўртадан паст-кўк рангда, паст – кўлранг рангда пайдо бўлади (1-жадвалга қаранг).


Жадвалдан кўриниб турибдики, биз тўртта турдаги кўрсаткичларни аниқладик: юрак-қон томир тизими параметрлари, нафас олиш тизими кўрсаткичлари ва жисмоний тайёргарлик ва махсус тайёргарлик кўрсаткичлари аниқланди. Махсус ишлаб чиқилган компьютер дастури асосида ишланган маълумотлар мониторинг қилиш натижасида саралашда қайси кўрсаткичдан паст натижа қайд этганлигига алоҳида этибор бердик, агар кўрсатган паст натижага қараб ёш белбоғли курашчиларни ушбу кўрсаткичини ривожлантириш орқали саралаш самарадорлигини оширишга эришилди.

2-жадвал

Белбоғли курашга болаларни саралашда тайёргарлик даражасини аниқловчи махсус шкала

Т/р	Балларнинг тақсимланиши	Даража
1.	1-18	Юқори
2.	19-36	юқоридан паст
3	37-54	Ўрта
4	55-72	ўртадан паст
5	73-90	Паст

Бу шкалада бешта мезон аниқланди. Агар ўқувчи юқори натижа кўрсатиб меъёрни бажарса, унга бир балл, юқоридан паст кўрсаткични бажарганда 2 балл, ўртача бажарганда уч балл, ўртачадан паст бажарганда тўрт балл, паст кўрсаткич кўрсатганда 1 балл берилди. Умумий 4 та йўналиш бўйича тестлар сони 18 тадан иборат бўлиб, шу тарика умумий максимал балл 18 баллни, минимал балл эса 90 баллни ташкил қилди. Даражалар биз томонимиздан ишлаб чиқилган жадвалга мувофиқ, ҳар бир тест бўйича натижаларга қўйилган баллардаги баҳолар йиғиндисини умумлаштириш йўли билан аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар асосида олинган натижаларни таҳлил қилиш орқали болаларни белбоғли курашга саралаш балки ҳар бир болани ўз имконияти ва қобилиятини инобатга олган ҳолда ёндашиш имконини беради. Бундан ташқари агар саралашда белбоғли курашчи болалар учун энг муҳим бўлган кўрсаткичлар паст даражада қайд этилса, айнан ушбу кўрсаткичларни ривожлантирувчи машқлар ёрдамида индивидуал ёндашиш асосида болаларни белбоғли курашга саралаш ва йўналтириш такомиллаштирилади (2-жадвалга қаранг).



2-Расм. Бебоғли курашга болларни салашнинг иккинчи босқичи

Белбоғли курашга болаларни саралашнинг иккинчи босқичи 3 мезон бўйича саралаш механизими ишлаб чиқилиб, бунда машқлар, тестлар, кетма-кетлиги тартиблаштирилди. Бунда болаларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги (УЖТ), махсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ), мусобақа фаолиятини (МФ) баҳолаш орқали амалга оширилди.

Белбоғли курашга болаларни саралашнинг узлуксиз кўп йиллик тайёргарлик босқичларига саралашнинг таркибий мезонлари тартиблаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди. Биз ҳар бир ёш бўйича саралаш учун умумий тестлаш ва текшириш кўрсаткичларини болаларни саралашда ёши ва ривожланиш даврларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Бундан ташқари болаларни оғирлигига қараб машқлар ва тестлар комплекси тартиблаштириб чиқилди (3-жадвалга қаранг).

Белбоғли кураш спорт турига болаларнинг саккизта вазн бўйича Республика чемпионати мусобақалари ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда, биз 3 та оғирлик категориясига ажратган ҳолда нормативларни таснифлаб чиқдик.

Умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) бўйича назорат тестлари жами ўнта бўлиб болаларнинг оғирлигига қараб 5 даражадаги баҳолаш шкаласи ёрдамида таснифлаб чиқилди. 30 метрга югуриш, 60 метрга югуриш, турникда тортилиш, ерга таянган ҳолда, қўлларни букиб ёзиш, жойдан туриб узунликка сакраш, турникда тортилиш 20 сонияда, 400 метрга югуриш, 800 метрга югуриш, 3x10 метрга югуриш, оёқлар ёрдамида арқонга тирмашиб чиқиш, юқорида келтирилган болаларни белбоғли курашга фойданалган тестлар болаларнинг оғирлигига қараб таснифлаб чиқилди.

Белбоғли кураш спорт турига болаларни саралашнинг иккинчи босқичида махсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ) ҳолатини баҳолашда олти та тестлар мажмуаси тартиблаштириб чиқилди. Булар Олдинга 10 метрга ўмболоқ ошиш, тик туришдан кўприк ҳолатига ўтиш 10 марта, кўприк ҳолатида исталган томонга айланиб югуриб чиқиб кетиш, кўприк ҳолатида бош атрофида айланиш 5 марта ўнг томонга, 5 марта чап томонга, кўприк ҳолатида ағдаришлар 10 марта, белдан ошириб ташлаш, юқорида кўрсатилган махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари нафақат болаларнинг ёши балки оғирлигига қараб таснифлаб чиқилди.

Ёш белбоғли курашчи болаларни саралаш ҳамда самадорлигини аниқлаш мақсадида белбоғли кураш мусобақа фаолиятини (МФ) баҳолаш мақсадида техник-тактик тайёргарликни баҳоловчи ва назорат қилувчи техник-тактик ҳаракатларни баҳоловчи шкала 6 мезон ишлаб чиқилди. Жумладан, техник ҳаракатлар учун амалга оширилган уринишлар сони (м), техник ҳаракатлар учун баҳоланган муваффақиятли уринишлар сони (п), ҳужум ишончилиги (На), уринишлар сони (m), муваффақиятли уринишлар сони (n), $Na=n/m$.

Белбоғли курашга болалар саралашда вазн оғирлигини инобатга олиб УЖТ ва МЖТ, назорат меъёрлари

	Назорат машқлари ва ўлчов бирликлари	Вазнлар оралигидаги натижаларни баҳоси															
		27-36 кг					40-48 кг					52-55 кг дан ортик					
		1	2	3	4	5	1	2	3	4	5	1	2	3	4	5	
	30 метрга югуриш (с)	5,4	5,3	5,2	5,1	5,0	5,3	5,2	5,1	5,0	4,9	4,9	5,8	5,7	5,6	5,5	5,4
	60 метрга югуриш (с)	9,6	9,4	9,2	9,0	8,8	9,5	9,3	9,1	8,9	8,7	8,7	9,8	9,6	9,4	9,2	9,0
	Турникда тортилиш (марга)	4	6	8	10	12	5	7	9	11	13	2	4	6	8	10	
	Қўлларга таяниб қўлларни букиб ёзиш (марга)	30	35	40	45	50	32	37	42	47	52	15	20	25	30	35	
	Жойдан баландликка сакраш (см)	42	44	46	48	50	45	48	50	52	55	40	42	44	46	48	
	Турникда тортилиш 20 с (марга)	4	5	6	7	8	5	6	7	8	9	3	4	5	6	7	
	400 м югуриш (мин, с)	1,18	1,16	1,14	1,12	1,10	1,17	1,15	1,13	1,11	1,09	1,23	1,21	1,19	1,17	1,15	
	800 м югуриш (мин, с)	3,10	3,05	3,00	2,55	2,50	3,08	3,03	2,54	2,48	2,40	3,2	3,1	3,1	3,0	3,00	
	Моқисмон югуриш 3x10 м (с)	7,5	7,4	7,3	7,2	7,1	7,4	7,3	7,2	7,1	7,0	7,8	7,7	7,6	7,5	7,4	
	5 метр баландликдаги арқонга оёқ ёрдамида осилиб чиқиш (с)	18,4	17,2	16,0	14,8	13,6	18,2	17,0	15,8	14,6	13,4	19,6	18,4	17,2	16,0	14,8	
	Олдинга 10 марга ўмбалок ошиш (с)	18,8	18,4	18,0	17,6	17,2	18,6	18,2	17,8	17,4	17,0	19,8	19,4	19,0	18,6	18,2	
	5 марга тик туришдан кўприк ҳолатига ўтиш. Исталган томонга айланиб югуриб чиқиб кетиш ва д.х.га қайтиш.	17,5	16,5	15,5	14,5	13,5	17,2	16,2	15,2	14,2	13,2	18,3	17,3	16,3	15,3	14,3	
	Кўприк ҳолатида бош атрофида айланишлар: 5-марга ўнга томонга, 5-марга чапга томонга (с)	20,0	19,0	18,0	17,0	16,0	19,0	18,0	17,0	16,0	15,0	27,0	26,0	25,0	24,0	23,0	
	Кўприк ҳолатида ағдарилишлар: 10 марга (с)	35,0	33,0	31,0	29,0	27,0	39,0	37,0	35,0	33,0	31,0	42,0	39,0	37,0	35,0	33,0	
	Белдан ошириб ташлаш 10 марга (с)	36,0	33,	30,0	27	24,0	38,0	35,0	32,0	29,0	26,0	40,0	37,0	34,0	31,0	29,0	

УЖТ

МЖТ

Техник ҳаракатлар учун ўртача баҳо (А), умумий баллар йеғиндиси (Е) ҳужум оралиғидаги вақти (t), $A=E/t$ Ҳужум даражаси (W), техник ҳаракатлар учун ўртача баҳо (А), ҳужум ишончилиги (На) га кўпайтирилади $W=Na*A$. Ҳужум ишончилиги (На), муваффақиятли уринишлар сони (n), Мувофакқиятли ҳужум оралиғи (Иа), муваффақиятли уринишлар сони (n), ҳужум оралиғидаги вақт (t) $Иа=n/t$. Белбоғли курашга болаларни саралаш самадорлигини аниқлашда мусобақа фаолиятини (МФ) биз томонимиздан ишлаб чиқилган мезонлар ва баҳолаш шкаласи ёрдамида саралаш самарадорлиги тадқиқот бошида ҳамда охирида асосланади (4-жадвал).

4-жадвал

Белбоғли курашга болаларни саралашда мусобақа фаолиятини (МФ) таҳлил олиб бориш мезонлари

№	Техник ҳаракатлар номи ва формуласи	Баҳолаш шкаласи				
		1	2	3	4	5
1	Техник ҳаракатлар учун амалга оширилган уринишлар сони (m)	12	10	8	6	4
2	Техник ҳаракатлар учун баҳоланган муваффақиятли уринишлар сони (n)	8	6	4	2	1
3	Ҳужум ишончилиги (На), уринишлар сони (m), муваффақиятли уринишлар сони (n), $Na=n/m$	0,66	0,60	0,50	0,33	0,25
4	Техник ҳаракатлар учун ўртача баҳо (А), умумий баллар йеғиндиси (Е) ҳужум оралиғидаги техник ҳаракатлар вақти (t), $A=E/t$	2,5	2,0	1,5	1,0	0,5
5	Ҳужум даражаси (W), техник ҳаракатлар учун ўртача баҳо (А), ҳужум ишончилиги (На) га кўпайтирилади $W=Na*A$	1,65	1,2	0,75	0,33	0,12
6	Мувофакқиятли ҳужум оралиғи (Иа), муваффақиятли уринишлар сони (n), ҳужум оралиғидаги вақт (t) $Иа=n/t$	2	1,5	1,0	0,5	0,25


Биз тадқиқотимизда келтирилган 3-жадвалларда баҳолаш шкаласидан фойдаланиш болаларни тайёргарлик кўрсаткичларидаги камчиликларини ташхислаш ва камчиликларини бартараф этиш имконини беради. Техник ҳаракатлар номи ва формуласи асосида ишлаб чиқилган 4-жадваллар беш даражада баҳолаш, орқали, унинг асосий ютуқ ва камчиликларини олдиндан башорат қилиш имконияти яратилди.

Белбоғли кураш бўйича ўтказилган 2016 йил жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндори ҳамда иштирокчилари бўлган белбоғли курашчиларни бўй узунлиги таҳлил қилиниб оптимал вазн-бўй кўрсаткичларининг модель хусусияти ишлаб чиқилди (5-жадвал қаранг). Белбоғли курашга болаларни саралашда бўй узунлигини олдиндан башорат қилишда В.Б. Шварц, С.В.Хрущев томонидан ишлаб чиқилган бўй ўсишини ёшга боғлиқ фоизларда башорат қилувчи жадвалидан фойдаланилган.

**Белбоғли кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати
иштирокчиларининг вазн-бўй кўрсаткичлари таҳлили (n=169)**

№	Вазн оғирлиги (кг)	Қатнашчилар (n)	Бўй узунлиги ($\bar{x} \pm \sigma$)
1	55	22	160,5±4,3
2	60	25	163,6±5,7
3	66	30	169,3±6,3
4	73	40	173,2±7,6
5	81	20	177,6±8,4
6	90	14	180,8±6,9
7	100	11	185,5±9,5
8	+100	7	188,7±9,9

Натижада бўй ўсишини олдиндан башорат қилувчи компьютер дастури яратилди. Бугунги замонавий курашда бўй узунлигини башорат қилиш ёрдамида кураш техникасини индивидуаллаштириш, тактикани танлаш, истиқболли болаларни бўй узунлигига қараб саралаш (3 расмга қаранг) билан аниқланади.



Изоҳ: - - - - - Қиз болаларни бўй ўсиш фойз кўрсаткичи. — Ўғил болалар бўй ўсиш фойз кўрсаткичи

3-расм. Ўғил ва қиз болаларни бўй узунлигини олдиндан башорат қилувчи компьютер дастур

3-расмда бўй ўсишини ёшга боғлиқ фойзда олдиндан башорат қилиш шкаласи берилган. Биринчи устундаги рақамлар болаларнинг ёшини билдиради. Иккинчи устунда фойзларда кўрсатилган. Бугунги кунда яккакураш спорт турларида болаларни иқтидорини аниқлаб саралаб олиш тизимида болаларни бўй ўсиши ва оғирлигини башорат қилиш алоҳида

аҳамиятга эга. Хусусан 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг тана узунлигини фоизларда ҳисобланади.

Диссертациянинг “Белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш тизими ва мазмунини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини тажрибада асослаш” деб номланган тўртинчи бобида белбоғли курашга болаларни саралашда ёш даврларининг табақалаштирилиши, белбоғли курашга 11-12 ёшли болаларни саралаш натижалари, педагогик тажриба ва назорат гуруҳи курашчиларининг функционал, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг қиёсий статистик таҳлили, белбоғли курашга болалар саралашда мусобақа фаолияти ва техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичлари самарадорлигини тажрибада асослаш, параграфлардан ташкил топган бўлиб, педагогик тажрибадан кейин тажриба ҳамда назорат гуруҳлари ўқувчиларининг жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари таҳлиллари ва натижалари батафсилроқ баён қилинган.

6-жадвал

Белбоғли курашга болаларни саралашда педагогик тажриба бошида жисмоний ривожланиши ва жисмоний ва махсус тайёргарлиги кўрсаткичларининг қиёсий статистик таҳлили (n=36)

Назорат тестлари	Тажриба гуруҳи n=18		Назорат гуруҳи n=18		t	P
	($\bar{x} \pm \sigma$)	V	($\bar{x} \pm \sigma$)	V		
Штанге синови (с)	23,1±1,7	7,3	23,5±1,6	6,8	1,8	P>0,05
Генчи синови (с)	17,1±1,6	9,3	17,5±1,7	9,7	1,7	P>0,05
Руфье тести (с)	10,1±0,9	8,9	10,3±1,2	11,6	1,9	P>0,05
Ортостатик синов (с)	7,8±0,7	8,9	7,9±0,8	10,1	1,3	P>0,05
Гимнастика ўриндиғи да олдинга эгилиш (см)	3,7±0,4	10,8	3,6±0,4	11,2	1,8	P>0,05
30 м. Югурш	6,1±0,5	8,1	6,2±0,3	4,8	1,9	P>0,05
Турникда тортилиш (м)	4,6±0,3	6,5	4,7±0,5	10,6	1,6	P>0,05
Жойдан туриб узник-ка сакраш (см)	154,7±11,6	7,4	152,3±13,4	8,7	1,8	P>0,05
T-1 (с)	10,7±1,1	10,2	11±1,1	10,1	1,9	P>0,05
T-2 (с)	10,2±0,9	8,8	10,1±0,9	8,9	1,1	P>0,05
T-3 (с)	11,1±1,3	11,7	11,3±1,3	11,5	1,7	P>0,05
T-4 (с)	12,4±1,1	8,9	12,3±1,4	11,3	0,8	P>0,05
T-5 (с)	12,6±1,4	11,1	12,2±1,1	8,9	1,2	P>0,05
T-6 (с)	11,8±1,2	10,1	11,6±1,2	10,3	1,4	P>0,05

Изоҳ: T-1-тест 1, белбоғни баланд тик туриб ушлаш ҳолати кўрсатиш, T-2-тест 2, белбоғни ўрта тик туриб ушлаш ҳолатини кўрсатиш, T-3-тест 3, белбоғни паст тик туриб ушлаш ҳолати кўрсатиш, T-4-тест 4, белбоғни ушлаш тақлиди б.н ўнг оёқни кўтаришни кўрсатиш, T-5-тест 5, белбоғни ушлаш тақлиди б.н чап оёқни кўтаришни кўрсатиш бедром, T-6-тест 6, белбоғни ушлаш тақлиди б.н ҳимояланишни кўрсатиш.

Педагогик тажриба бошида текширилаётган 11-12 ёшли болаларни саралашда жисмоний ривожланиши, жисмоний ва махсус тайёргарлиги кўрсаткичлари қиёсий статистик таҳлил қилинди (6-жадвалга қаранг).

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шароитида белбоғли кураш спорт турига болаларни саралашда, 11-12 ёшдаги жами 36 нафар болалар, орасида педагогик тажрибалар ўтказилди. Тажрибаларнинг барча қатнашчилари (n=36) икки гуруҳга ажратилди: тажриба (ТГ) ва назорат (НГ) гуруҳлари. Гуруҳлардаги болалар сони бир хил (n=18) бўлди. Назорат гуруҳида Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби муассасалари учун мўлжалланган анъанавий дастур ва низом асосида, тажриба гуруҳида эса биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва тақлиф қилинган методика асосида ўтказилди.

7-жадвал

Белбоғли курашга болаларни саралашда педагогик тажриба охирида жисмоний ривожланиши ва жисмоний ва махсус тайёргарлиги кўрсаткичларининг қиёсий статистик таҳлили (n=36)

Тест	Тажриба гуруҳи n=18		Назорат гуруҳи n=18		t	P
	($\bar{x} \pm \sigma$)	V	($\bar{x} \pm \sigma$)	V		
Штанге синови (с)	27,5±1,6	5,8	25,7±2,1	8,1	7,4	P<0,001
Генчи синови (с)	20,1±1,4	6,9	19,1±1,2	6,2	6,3	P<0,001
Руфье тести (с)	7,8±0,9	12,2	8,2±1,1	13,6	2,8	P<0,01
Ортостик синови (с)	4,2±0,4	9,5	4,5±0,6	13,3	3,9	P<0,001
Гимнастика ўриндиғи да олдинга эгилиш (см)	4,1±0,5	12,1	3,9±0,4	10,2	4,4	P<0,001
30 м. Югурш	5,8±0,6	10,3	5,9±0,7	11,8	2,5	P<0,05
Турникда тортилиш (м)	5,2±0,4	7,6	4,8±0,5	10,4	2,7	P<0,01
Жойдан туриб узник-ка сакраш (см)	163,1±11,7	8,6	156,3±13,5	7,1	2,4	P<0,05
Т-1 (с)	9,9±1,3	13,1	10,5±0,9	8,5	3,9	P<0,001
Т-2 (с)	9,3±0,9	9,6	9,7±0,8	8,2	3,2	P<0,01
Т-3 (с)	10,1±0,9	8,9	10,5±0,8	7,6	3,3	P<0,01
Т-4 (с)	13,1±1,2	9,1	12,7±1,2	9,4	2,3	P<0,05
Т-5 (с)	13,3±1,3	9,7	12,9±1,6	10,1	2,4	P<0,05
Т-6 (с)	13,2±1,5	11,4	12,6±1,3	10,4	3,3	P<0,01

Изоҳ: Т-1-тест 1, белбоғни баланд тик туриб ушлаш ҳолати кўрсатиш, Т-2-тест 2, белбоғни ўрта тик туриб ушлаш ҳолатини кўрсатиш, Т-3-тест 3, белбоғни паст тик туриб ушлаш ҳолати кўрсатиш, Т-4-тест 4, белбоғни ушлаш тақлиди б.н ўнг оёқни кўтаришни кўрсатиш, Т-5-тест 5, белбоғни ушлаш тақлиди б.н чап оёқни кўтаришни кўрсатиш бедром, Т-6-тест 6, белбоғни ушлаш тақлиди б.н ҳимояланишни кўрсатиш.

Тадқиқот сўнгида (7-жадвалга қаранг) тажриба ва назорат гуруҳларида ўн тўртта кўрсаткичлардан барчасида яхшиланишни кузатишимиз мумкин. Масалан, Штанге тести бўйича тажриба охирида ишончли статистик фарқларни аниқладик.

Бу ерда тажриба гуруҳида Штанге тести натижасига кўра $27,5 \pm 1,6$ сонияни, назорат гуруҳида эса $25,7 \pm 2,1$ сонияни ташкил қилди ($t=7,4$; $p<0,001$). Генчи синов статистик ишончли фарқлар тажриба гуруҳида тажриба сўнгида $20,1 \pm 1,4$ сония, назорат гуруҳида эса $19,1 \pm 1,2$ сония натижа кўрсатилди ($t=6,3$; $p<0,001$).

